

I стопа
Дерзай
Рачень

II стопа
те ны
ем ва

III стопа
не о
шим по

IV стопа
бодренны
казать

Кўриниб турибдики, тоник шеърда бир сўз бир стопа (туроқ) бўлиши ҳам, икки туроқ, бўлиши ҳам ва, ҳатто, икки сўз бир туроқ бўлиши ҳам мумкин экан. Келтирилган парча яна шуниси билан характерлики, ундаги биринчи мисранинг охирида келган бир бўгин ("ны") ортиқча бўлиб, унга урғу ҳам тушмайди. Шу сабабли р е д у к ц и я ҳодисаси содир бўлиб, ("ны") қарийб айтилмайди ёки жуда кучсиз талаффуз қилинади. Умуман, аруз ва бармоқ шеър системаларида рукида бўгиннинг ортиб кетиши фавқулудда ҳодиса бўлиб, бу вазни бузади. Рукида бўгиннинг ортиб кетиши ҳодисаси фақат тоник шеърдагина безарар кечиши мумкин холос. Бундай ҳолни Аҳмад Яссавий шеърларида ҳам кўрамиз.

Айтилганлар Аҳмад Яссавий шеърлари оҳанг системада яратилганлигини кўрсатиб турибди. Оҳанг шеър намуналарининг халқ оғзаки ижодида ҳам мавжудлиги ва, ҳатто, ҳозирги ўзбек ёзма адабиётида ҳам учраши ўзбек поэзиясида учинчи (тоник-оҳанг) шеъринг системасининг ҳам мавжудлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни мустаҳкамлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б а к и р о в М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Казань, 1972.; 2. М а л л а е в Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976.; 3. Т у й ч и е в У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент, 1985.; 4. А б д у р а х м о н о в Ф., Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973.; 5. М а х м у д Х а с а н и й. Муқаддима. - Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1992.; 6. Ш е й х з о д а М. Асарлар. Олти томлик, 5-т. Тошкент 1973.; 7. С т е б л е в а И.В. Поэзия тюрков VI-VIII веков. М., 1965.; 8. Туйчиев У. Ўзбек шеър системалари. Тошкент, 1981.

Қабул қилинди:
11. 07. 95.

УДК 494.3

ҲАКИМХОН ИБН САЙЙИД МАЪСУМХОННИНГ "МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХ" АСАРИ ҲАҚИДА.

А.Матғозиев.

В статье изложена структура и краткое содержание, а также историко - филологическое значение книги ученого XIX века Хакимхон ибн Саййид Маъсумхана "Мунтахаб ут-таворих". Сочинение написано в середине XIX века на таджикском языке. В 1878 году Мухаммедом Якубом оно было переведено на узбекский язык. Рукопись этого перевода хранится в фонде Института востоковедения в С -Петербурге под шифром Д 225

XIX асрда уч хонликнинг маркази бўлган Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларида адабиёт ва санъат билан бир қаторда тарихнавислик ҳам анча ривожланди. Бу даврда маҳаллий муаллифлар томонидан Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига доир бир қатор илмий асарлар яратилди. Шулардан бири Ҳакимхон тўра ибн Саййид Маъсумхоннинг “Мунтахаб ут-таворих” (“Танланган тарихлар”) номли асаридир.

Муаллиф ҳақидаги асосий маълумотларни унинг мазкур асаридан топиш мумкин. Ҳакимхоннинг ота-боболари саййидлар авлодига мансуб бўлиб, бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: “Аммо бу фақирул ҳақир... ҳожи Муҳаммад Ҳаким валад Саййид Маъсумхонки. авлоди ҳазрат Маҳмуд ал-Аъзамдур” (1^б)

Ҳакимхон тўранинг бобоси ҳам шу исм билан аталган. У 1806 йилда 48 ёшида Қўқон шаҳрида вафот этган: “Хабар еттиким, жаноб саёдат паноҳи Ҳаким тўра - жадди бузруквори фақир - оламдин ўттилар, деб” (213^б). Ҳудди шу йили кичик Ҳакимхон таваллуд топади.

Ҳакимхон тўра она томонидан Қўқон хонлари Олимхон ва Умархонларга яқин қариндош бўлган. Унинг отаси Саййид Маъсумхон Норбўтабийнинг қизи (Амир Олимхоннинг синглиси, Амир Умархоннинг опаси) га уйланган эди. Саййид Маъсумхон ҳар иккала подшоҳ ҳукмронлиги даврида шайх ул-ислом унвонига эга бўлиб, давлат ва диний ишларда эътиборли мавқега эга бўлган. “Мунтахаб ут-таворих”да Маъсумхон тўранинг Бухорога элчи бўлиб борганлиги қайд қилинган. 1806 йил май ойида Ўратепа учун бўлган жангда Бухоро лашкаридан уч минг киши асирга олиниб, Қўқон хони Олимхоннинг ҳукми билан қатлга буюрилади. Ҳудди шу пайтда Маъсумхон тўра амирнинг ҳузурида эди. У дарҳол подшоҳдан илтимос қилиб, асирларни ўлдирмай, зиндонга солишни сўради. Олимхон бу талабни қондириб, ўз ҳукми ўзгартиришга рози бўлди (215^а).

Аммо Умархон ўрнига тахтга ўтирган Муҳаммад Алихон даврида (1822-1842) Маъсумхон ва Ҳакимхонларнинг мавқеи анча пасайган эди. Ҳатто Ҳакимхон тўра 1822 йили бадарға қилиниб, Россия орқали чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлади.

1833 йилда Маъсумхон тўра Бухорога элчи бўлиб, сўнгра Амир Насруллодан рухсат олиб Шаҳрисабзга ўтади. Чунки у ерда ота-боболаридан қолган мулки-мерослари бор эди. (151^а). У ердан 1843 йилда ҳаж сафарига отланиб, Ҳисорга боради. Бироқ Имом Раббоний мазорларига етганда, қаттиқ бетоб бўлиб, бир ҳафтадан кейин ўша ерда оламдан кўз юмади. (151^б)

Ҳакимхон тўранинг ҳаёти ва ижоди Қўқон, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоё, Хўжанд ва Ўратепа каби йирик шаҳарларда ўтди. Бундан ташқари у Россия, Туркия, Арабистон, Миср, Эрон, Афғонистон каби чет мамлакатларда ҳам бўлиб, у ерлардаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт билан бевосита танишиб чиқди. Ана шу кўп йиллик ҳаёт тажрибалари ва саргузаштлари асосида унинг машҳур “Мунтахаб ут-таворих” номли тарихий асари майдонга келди.

Ҳакимхон тўра ўз даврининг етук зиёлиси, дин ва давлат арбоби, олими, тарихчиси, шоири бўлган. У араб, форс, туркий тилларни мукамал билишдан ташқари рус тилини ҳам қисқа вақт ичида пухта

ўрганиб олган. 1822-24 йилларда Россиянинг турли шаҳарларида бўлиб, оддий фуқаролардан бошлаб, то император Александр I билан бевосита мулоқотда бўлади. Улар билан таржимонсиз бемалол гаплашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади: “Подшоҳнинг назари каминага тушуб, ўриндин қўпуб, неча қадам босиб қўлумни тутуб, ўз ёнида ўлтургузди. Ва уларга расмдурки, ҳар нечук одамларга ўрунларидан туруб, хусусан, бузрукзодаларга эҳтиром қилурлар. Андин ўз тилида кўп шафқатлар қилди. Фақир ҳам ўрусча тил бирла яхши жавоблар бердим. Ўрусия тилига бағоят вуқуф пайдо қилиб эрдим. Подшоҳ тил билганимга зиёда хурсанд бўлди” (281^a).

Император Александр I Ҳакимхон тўрани Петербургда қолишга таклиф этади. Аммо у ҳаж сафарини ният қилганлигини айтиб, ундан рухсат сўрайди. Подшоҳдан махсус ҳужжат (паспорт) олиб, чет элга жўнаб кетади. Етти йиллик сафардан сўнг 1828 йилда Бухорога қайтиб келади. Бир неча кун дам олиб ва яқин дўст-биродарлари билан дийдор кўришиб, Амир Насруллодан рухсат олиб, Ўратепага - отаси Маъсумхон тўранинг ҳузурига боради.

Ҳакимхон тўра ҳаётининг сўнгги йиллари ва вафот этган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. Академик В.В.Бартольд Хўжандда Ҳакимхон тўранинг набирасига қарашли “Мунтахаб ут-таворих” нинг қўлёзмасидан кўчирилган бир нусхани кўрганлигини ва у ҳозир Тошкент Шарқшунослик институтида 593-рақами билан сақланаётганлигини эслатиб ўтади (1.157). Бизнингча, муаррих XIX асрнинг 70-йилларига қадар Ўратепа ва Хўжанд шаҳарларида яшаганлиги ва бола-чақали бўлганлиги ҳақиқатдан йироқ эмас.

Ҳакимхон тўра ўз асарини тожик тилида ёзган, сўнгра у ўзбекчага ўтирилган. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг бир неча форсча нусхалари ва 594-рақамли ўзбекча қўлёзма нусхаси сақланади. Шу фондда яна бир ўзбекча нусха бўлиб (№1560), у “Интихоб ут-таворих” деб номланади. Санкт-Петербург Шарқшунослик институти фондида “Мунтахаб ут-таворих”нинг яна бир мукаммал қўлёзма нусхаси (Д-225) мавжуд бўлиб, биз ўз текширишларимизни ана шу нусха асосида олиб бордик.

Қўлёзма жами 311 варақ, 621 саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифада 15 сатрлик матн жойлашган. Биринчи саҳифада муаллиф ўз исми шарифи ва асарнинг номини қайд қилган. Бундан ташқари яна асар давомида бир неча бор муаллиф номи тилга олиб ўтилган.

Қўлёзманинг 191^b-саҳифасида бешинчи бобнинг ўн биринчи фасли, яъни манғитлар сулоласининг баёни тугалланиб, қуйидаги сана келтирилади: “Бу китоби фасоҳат моб шуҳури таърих саккизинчи моҳи муҳаррам ал-ҳуррам сана 1295-нчи ҳижрат эрдик, таммат тамом ва зевари ихтитом бирла музайян айлаб таҳрир топилиб, омин раббул оламин ва оллоҳу олам биссавоб”. Бу-милодий 1878 йил 13 январь бўлиб, бизнингча, асарнинг ёзиб томонланган санаси бўлиши мумкин. Сўнгги саҳифада: “Сана 1303, моҳи шаввалнинг йигирмаси, панжшанба куни Қошқарлиқ Додхожанинг ўғли мулло Муҳаммад Яъқуб яқдастнинг илгида бу хатти шикаст таҳрир топти”, деган жумлани ўқиймиз. Демак, асар 1886 йилнинг 23 июлида Муҳаммад Яъқуб томонидан кўчириб тамомланган. Қўлёзманинг бошқа саҳифаларида ҳам котибнинг номи бир

неча бор зикр қилинган. Айрим ўринларда эса у ўзининг ўзбекча шеърларидан ҳам киритиб кетган: "Котиби ин китоб мулло Муҳаммад Яъқуб якдаст дебдурки, байт:

Хасмга бўйнушни эгсам, хор бўлғумдир анга,

Хорлиқ бирла тирик бўлгондин ўлган яхшироқ
(231^б).

1842 йилда Бухоро аскарлари бир кеча-кундуз Қўқон фуқароларини талон-торож қилгач, Амир Насрулло "Ал-амон!" деб буйруқ беради. Бу воқеага котиб Муҳаммад Яъқуб ўз муносабатини билдириб шундай ёзади: Нечукким бу китобни форсидин туркига таржима қилгон котиб айтур, байт:

Талаб бўлди, сўнгра деди: "Ал-амон",

Шаҳи бадрагу ҳам фусунгар, ямон" (175^б).

Қуринадики, Муҳаммад Яъқубнинг ўзи ҳам таржимон, ҳам котибдир. Шу билан бирга унинг моҳир шоир эканлиги ҳам шубҳасиздир. У асарни маълум даражада эркин таржима қилишга ҳаракат қилган. Айрим ўринларда таржимон воқеани ўз тилидан ҳикоя қилиб, Ҳакимхон турани учинчи шахс сифатида беради: "Сўнгра Дўстмуҳаммадхон қўшхонасига келиб, хожи Ҳакимхон турани талаб қилиб, ани фарзанди қиёматий ўқиди, тўра ҳам "отайи қиёматим" деб, ота-бола бўлуб қолдилар" (162^а). "Ҳакимхон тўра-бу китобни форси тасниф қилгон - айтурким, мён оталиқнинг олдида ҳозир эрдим" (149^б).

"Мунтахаб ут-таворих" беш бобдан иборат. Биринчи бобда Одам отадан бошлаб то пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад Мустафо салоллоҳу алайҳи васалламгача ўтган анбиёлар тарихи ҳикоя қилинади. Бу бобда Юсуф ва Зулайхо ўртасидаги севги-муҳаббат тавсифига кенг ўрин берилган.

Иккинчи боб "Зикри мулуки Форс" деб аталади (14^б-23^а). Бу боб тўрт фаслдан иборат бўлиб, Заҳҳок ва Афросиёб замонидан то сосонийлар сулоласигача ўтган Эрон подшоҳлари тарихи баён этилган.

Учинчи боб энг қисқа бўлиб, "Ишорати мулуки Хитой ва Фаранг" деб номланади (23^б-25^а). Тўртинчи бобда эса араб халифалигида ҳукмронлик қилган подшоҳлар ҳақида сўз юритилган (25^а-35^а).

Юқоридаги тўртала боб энг қадимги даврларга оид бўлиб, муаллиф ўзидан олдинги тарихчиларнинг маълумотларига асосланиб ёзган. Улар ўта қисқа бўлиши билан бирга, бир неча минг йиллик тарих ҳақида аниқ ва ишонарли маълумот бера олмайди, албатта.

Асарнинг асосий ва ҳажм жиҳатдан энг катта қисми бешинчи бобдир (35^б-311^а). Ўн икки қисм (тоифа) дан иборат бўлган бу бобда бани Аббос халифалигидан то 1843 йилгача ҳукмронлик қилган юздан ортиқ подшоҳлар тарихи ҳамда Хуросон, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистонда юз берган кўп асрлик ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида кенг ва қизиқарли маълумот берилган. Бунда ўн иккита сулола тарихи изчиллик билан баён қилинган: Сафорийлар, Сомонийлар, Давлалар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар ва минглар.

Асарда соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодига мансуб бўлган Темурийлар сулоласи тарихи анча кенг ёритилган. Маълумки, Амир Темурдан беш ўғил қолган бўлиб, улардан чиққан подшоҳлар

Мовароуннаҳрда икки юз йилдан ортиқ давр мобайнида ҳукмронлик қилдилар. Айниқса, Бобур Мирзонинг соҳибқирон салтанатини давом эттириб, қудратли давлат барпо қилиш борасида қилган саъй-ҳаракатлари асарда батафсил баён қилинган. Бироқ турли ички низолар ва ташқи ҳужумлар, яъни Шайбонийларнинг бостириб келиши натижасида Ўрта Осиёда Темурийлар ҳукмронлиги барҳам топди. Асарда Бобурийларнинг Афғонистон ва Ҳиндистондаги қарийб икки асрлик тарихига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

“Мунтахаб ут-таворих”нинг кейинги икки бўлими Ҳакимхон туранинг бевосита шохидлигида ўтган воқеалар тасвирига бағишланган. Маълумки, XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиёда уч хонлик ташкил топган бўлиб, Хоразмда қўнғиротлар, Бухорода манғитлар ва Қўқонда минглар сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Асарнинг ўн биринчи фаслида Бухоро хонлигининг ташкил топишидан то Амир Насруллонинг 1843 йилгача бўлган подшоҳлик давридаги воқеалар кенг ёритилган. Ҳакимхон тура Бухоро амирлигида юз берган айрим сиёсий воқеаларга, хусусан, Амир Насрулло томонидан қилинган зулм ва адолатсизликларга объектив баҳо беради. 1842 йилда Амир Насрулло Қўқонга бостириб кириб, Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон, уларнинг оналари, машҳур шоира Моҳлар Ойим - Нодира, унинг ўспирин набираси - Муҳаммад Алихоннинг ўғли Муҳаммад Амин ва бошқа аъёнларни қатл қилдиради. Бундай шафқатсизликлар ва золимликни лаънатлаб, муаллиф шундай ёзади: “Минг лаънат Насрулло золим бадбахтка ва юз минг лаънат анинг лашкари авониғаки, мундоғ зулму ситам ва бедодликни фаранг кофирлари ҳам қилгон эмасдур” (175⁶).

Асарнинг мазкур бўлими (ўн биринчи тоифа)да Ҳакимхон туранинг Афғонистон подшоҳи Амир Дўстмуҳаммадхон ҳақидаги эсдаликлари кенг ўрин олган (2,3-35). Дўстмуҳаммадхон (1690-1863) Афғонистоннинг мустақиллиги учун курашган, марказлашган йирик давлат тузишга ҳаракат қилган илғор маърифатпарвар давлат аарбоби эди. У бир неча йиллар давомида Қобулда ҳукмронлик қилди. Инглизларга қарши жангларнинг бирида енгилиб, Бухорога келади. Амир Насрулло уни яхши кутиб олмайди ва унчалик илтифот қилмайди. Шундан кейин амир Дўстмуҳаммад яна Афғонистонга қайтиб бориб, кўп жанглардан кейин 1848 йилда яна Қобул ҳукуматини қўлга киритади. Ҳакимхон, юқорида зикр қилинганидек, у билан жуда яқин дўст бўлади ва ўз асарида амирнинг 7-8 йиллик ҳаёти ва сиёсий фаолиятини кенг ёритишга ҳаракат қилган. (156-168⁶).

Асарнинг энг сўнги бўлими Қўқон хонлиги тарихига бағишланган бўлиб, қарийб бир ярим асрлик воқеалар баён қилинган. Минглар хонадонининг бошлиғи, хонликнинг асосчиларидан бири Шохруҳбий оталиқ (1669-1721) ҳукмронлигидан то 1843 йил, яъни Шералихон ҳокимият тепасига келган давргача бўлган воқеалар ўз ифодасини топган. Айниқса, Қўқон хонлари Норбўтабий (1769-1780), Олимхон (1800-1809), Умархон (1809-1822) ва Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, қонли урушлар, тож-тахт учун курашлар кенг ва реал акс эттирилган.

Шу фаслнинг ўртасида Ҳакимхон тура ўзининг чет эллардаги етти йиллик саргузаштларини баён қилган (271⁶-295⁶). Бу Муҳаммад Алихон

хукмронлигининг дастлабки пайтларига тўғри келади. Чет эллардан қайтиб келгач, яна Муҳаммад Алихон воқеалари давом эттирилади. Бу даврда Бухорода Амир Насрулло подшолик қилар эди (1826-1866). Ҳар иккала хонлик ўрасидаги сиёсий муносабатлар, қирғинбарот урушлар, огир ва хилма-хил солиқлар туфайли фуқароларнинг хонавайрон бўлиши аниқ ва ишонарли фактлар орқали баён қилинган.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, ўтмишда Шарқ муаллифлари томонидан яратилган тарихий асарлар кўп услубий хусусиятлари билан ҳозирги тарихий асарлардан фарқ қилади. Уларда соф илмий баёнга нисбатан бадий ифода устун бўлади. Шу жиҳатдан уларни ўзига хос бадий асар дейиш мумкин. Бундай хусусият биз фикр юритаётган "Мунтахаб ут-таворих" асарига ҳам хосдир.

Асар саҳифаларини кўздан кечиран эканмиз, жуда кўп сифатлаш, ўхшатиш, муболага, метафора, жонлантириш каби бадий тасвир воситаларига ҳамда турли мақол ва ибораларга дуч келамиз. Масалан "Зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаштилар" (174^б) "Сувга хўл қилгон нондек тарбузлари қўлтиқларидан тушуб" (128^а) "Ўтга тушган юнгдек тўлғониб" (175^а) "Манзил ва мароҳил тай қилиб" (179^б); "Ҳар ким жонидин қўл ювса" (179^а) кабилар.

Мумтоз адабиёт, айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодига хос хусусиятларидан бири шуки, уларда бадий санъат турларидан бири бўлган сажъ кўп қўлланади. Бунда насрий матнларда жумлалар қофияланган бўлади. Бундай бадий ифода шакли "Мунтахаб ут-таворих"да ҳам учрайди. "Ўратепани орқага ташлаб, бўюнларини қашлаб, Бухорога ружуъ қилдилар" (128^а)

"Мунтахаб ут-таворих" да турли даврларда яшаган, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзган йигирмага яқин шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа маълумот берилиб, уларнинг шеърларидан парчалар келтирилган улар Умар Ҳайём, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Яссавий, Жомий, Навоий, Бобур, Биноий, Бедил, Зебунисо, Машраб, Фузулий, Мушфиқий, Ҳозиқ, Нодида, Адо ва бошқалар. Муаллифнинг ўзи ҳам тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган бўлиб, асарида айрим шеърларидан келтириб ўтади.

Булардан ташқари бир қанча кичик-кичик ва қизиқарли ҳикоялар ҳам келтирилганки, улар асарнинг бадий қимматини оширишга, китобхон эътиборини ўзига тортишга хизмат қилади. Юқорида айтилганларга асосланиб, "Мунтахаб ут-таворих"га "XIX аср мемуар проза адабиёти намунаси сифатида ҳам қаралиши мумкин" (3,14).

"Мунтахаб ут-таворих" ўзбек тили тарихини ўрганиш учун муҳим манба сифатида хизмат қилади. Унда XIX аср ўзбек тилига хос энг муҳим фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлар акс эттирилган. Масалан, шаҳарга, келтуруб каби сингармонизм (товушлар оҳангдошлиги) ҳодисасининг мавжудлиги, чиқиш келишигининг фақат дин/-тин шаклида қўлланилиши, -ки/-ким боғловчиси билан бириккан конструкцияларнинг кўплиги, айрим сўзларнинг бошқача маънода қўлланилиши (ёнмоқ-қайтмоқ, тўла-кўп) ва ҳ.к.

"Мунтахаб ут-таворих" тожик тилидан ўзбекчага ўтирилган таржима асаридир. Шунинг учун унда тожик тилига хос айрим хусусиятлар ҳам акс этган "Бу сағлар ва итлар, одам сурат, адоий бу

хизматни обрўй фаҳмлаб, йўлга туштилари”(53^a) “Жаллодлари хунхорлар” (26^a); “давлати беш кунлук” (108^a); “хатти рухсат” (152^b) каби. Айрим ўринларда эса хато ва ғализ жумлалар ҳам учрайди. Масалан: “Ҳар куни уч минг тилло сарфига учун бергайлар” (72^a). Бунда -га ёки “учун” ортиқча қўлланган. “Бу ошонда укаси Бобур подшоҳ Мирзо Жаҳонгир Аҳси вилоятида ҳукмронлик қилур эрди” (77^a). Бу гапни қуйидагича ўзгартириб бердик: Бу ошонда Бобур подшоҳнинг укаси Мирзо Жаҳонгир Аҳси вилоятида ҳукмронлик қилур эрди.

Айрим ўринларда, котибнинг айби билан бўлса керак, баъзи саналар хато берилган. Масалан, Жаҳонгир Мирзо билан Бобур ўртасидаги муҳолифат ҳақида гап борганда, ҳижрий 994 йил (милодий 1586 йил) қайд қилинган (78^b). Бизнингча, 904 йил (милодий 1499 йил) бўлиши керак. Яна: “сана тўққуз йигирмада” (72^a). Бунда “юз” сўзи тушиб қолган. Биз бундай ўринларни тузатиб кетишга ҳаракат қилдик. Аммо бу каби камчиликлар жуда оз бўлиб, 600 саҳифадан ортиқ бўлган йирик асарда учраши табиий, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳақимхон туранинг “Мунтахаб ут-таворих” асари мустақил Ватанимиз ва халқимизнинг ўтмиш тарихи, унинг адабиёти ва тилини ўрганишда муҳим манба саналади. Уни нашр этиб мутахассислар, ўқитувчилар ва кенг китобхонларга тақдим этиш энг зарур ва долзарб вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР:

1 Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркистан. Сочинения. Т. УШ.М., 1973; 2 Хуршут Э. Ҳақимхонинг Дустмуҳаммадхон ҳақидаги эсдаликлари. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1989; 3 Қаймонов А. Қўқон адабий муҳити. Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961.

Қабул қилинди
13.06.95